

МАДАЕВА Мўътабархон
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
кафедра катта ўқитувчиси,
E-mail: mutabar_aziz@mail.ru

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ МАҲОРАТ СИРЛАРИ ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ: “САБЪАИ САЙЁР” ДОСТОНИ МИСОЛИДА

МАСТЕРСТВО И СТИЛИСТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ АЛИШЕРА НАВОИ: НА ПРИМЕРЕ ЭПОСА «САБ’АИ САЙЯР»

THE CRAFTSMANSHIP AND STYLISTIC ASPECTS OF ALISHER NAWAI: ON THE EXAMPLE OF THE EPIC “SAB’AI SAYYAR”

Аннотация: Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonлари, хусусан, “Сабаи сайёр” маснавийсида қўлланган арабча ўзлашмаларнинг герменевтик тадқиқи, байтларидаги арабча сўзларнинг туркий тилдаги сўзлар билан уйғунлашиб ўзига мазмун ва моҳият шакллантиргани, шунингдек, бадиий ифода санъатлари, сўзлар ўз маъноларида келганида ҳам уларнинг маъно қирралари бутунлай бошқа-бошқа зоя парадигмаларини ташкил этгани ҳақида маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: Алишер Навоий, “Хамса”, “Сабаи сайёр”, арабча ўзлашмалар, герменевтика, “Муҳокамату-л-лугатайн”, иштиқоқ санъати.

Аннотация: В этой статье рассказывается о герменевтическом исследовании арабских заимствований, использованных в эпосах Алишера Навои “Хамса”, в частности, в маснави “Сабаи сайяр”, о том, как арабские слова в их стихах сливаются со словами тюркского языка, чтобы сформировать собственное содержание, а также об искусствах художественного выражения, когда слова приходят в своем собственном значении, их смысловые грани совершенно образуют разные идеи парадигмы.

Ключевые слова: Алишер Навои, «Хамса» «Сабаи сайёр» арабские заимствования, герменевтика, «Мухокамат-ул-лугатайн», искусство иштикак.

Abstract: This article is about the hermeneutical study of the Arabic borrowings used in Alisher Navoi's

Hamsa epics, especially in the Masnavi “Sab’ai Sayyar”, how the Arabic words in their verses merge with the words of the Turkic language to form their own content, and the art of artistic expression when the words come into their own meaning, their semantic facets forming completely different ideas of paradigm.

Keywords: Alisher Navoi, “Khamisa,” “Sab’ai Sayyor,” Arabic loanwords, hermeneutics, “Muhokamat ul-lughatayn,” the art of word derivation.

КИРИШ

Алишер Навоий жаҳон тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккир. Шоир ижодининг маҳорат сирлари, услубий жиҳатлари унинг асарлари тилини жиддий тадқиқ этиш эвазига ёрқинроқ намоён бўлади. Шу маънода, “Хамса” дostonлари, хусусан, “Сабаи сайёр” маснавийсида қўлланган арабча ўзлашмаларнинг герменевтик тадқиқи масаланинг ечимига етакловчи муҳим боскичлардан бири деб қараш мумкин.

Масалан:

Ҳар не бир дostonга солди садо,

Мунда бир байт бирла топқой адо.

Мужмал онинг сўзин қилиб акмил,

Ўз ҳадисимга бергамен тафсил.

АСОСИЙ ҚИСМ

Буюк сўз санъаткорларининг фикрни ихчам шаклда ифодалаш, қисқалик ҳақидаги қарашлари бир-бирига яқин. Бу яқинлик уларнинг адабий жанрларни баҳолашда объектив ёндашишлари натижасидир.

Юқорида келтирилган мисраларда шоир: “Дostonда нимаики айтилган бўлса, бу ерда бир байт билан ўшани эслатиб ўтгумдир. У ҳақдаги сўзни қисқагина қилиб тугатгач, ўз мақсадимнинг тафсилотида киришгумдир” [1.380] – деб ёзади. Шу сатрларда: “مجل” – аниқ бўлмаган, қисқа, лўнда, “اکمل” – тўлиқ, “حديث” – сўз, “تفصيل” – бирор нарсани атрофлича очик баён этиш, кенг маънода сўзлаш арабча ўзлашмаларни учратамиз.

Ушбу маъноларни ифодаладиган сўзлар туркий тил лексикасида мавжуд эса-да, арабизмлардан фойдаланилган. Натижада шоирнинг ботиний ўй-хаёли, тафаккур тарзи сўзга қўчиб, ўқувчига етказилиши қулайлашган дейиш мумкин. Шу ўринда, асар тили борасида шундай фикрлар билдирилган. Ижодкор бир хил лисоний материалдан шундай матн яратадики, унда сўзлар ўз маъноларида келганида ҳам уларнинг маъно қирралари бутунлай бошқа-

бошқа ғоя парадигмаларини ташкил қилади. Бу ҳол ички, ботиний тил, ҳиссиёт билан сенсор шаклда тушуниб етилади. Инсоннинг миллий, индивидуал, илмий менталитети шу вақтда бош ўринга кўтарилади, асар ғоясини тўғри тушунишга етакчи роль ўйнайди. Бадийлик асарнинг ташқи дунёси, унинг либоси. Асар қанчалар бадий жиҳатдан етук, баркамол ва гўзал бўлса, у шунчалар кишига тез ва кучли таъсир кўрсатади. Уни ҳаяжонга солади, унда кучли эҳтирослар кўзғайди [2.34].

Куйидаги байтларда арабча сўзлар шу даражада моҳирона келтирилганки, туркий тилдаги сўзлар билан уйғунлашиб мазмунга янада чиройли жило берган.

Токи бу ерга етти сўз охир
Ки, муродимни айладим зоҳир
Сўзни аввалдин этмасам марқум,
Яхши бўлмас ғамим санга маълум.

Навоийнинг фикрича, элга бирон асарни манзур қилиш учун киши бор истеъдодини, қобилиятини сарфлаши лозим. Юксак бадийлик билан яратилган асаргина жамият учун манфаатли бўлади [2.83]. Зеро, дostonдаги араб лексикаси иштироки юксак суръат ва ҳақиқий самарадорликка олиб келган. Маълумки, сўз – яратилади, фикр – ҳаракатга ундайди. Буларнинг ҳаммаси аниқ мақсад учун хизмат қилганда оқилона баҳоланади [3.145]. Навоий асарларидаги ҳар бир лексика герменевтиканинг универсал жиҳати сифатида тарихийлиги, семантикаси, умуман олганда, тушуниш методологияси ўзига хос хусусиятларига эга. Чунки ҳар бир ибора ва сўзда у қандай маънони англатмасин араб лексикаси иштирокида муайян бир қобикни ясай олган. Бу эса герменевтик тушунишнинг субъективлигини янада оширади.

“Сабаи сайёр” достонида: “Сўз насридин назми хушроқ ва парокандасидин жамъи дилкашроқ эрканин даъво қилмоқ ва бу жамъиятни «беш ганж» жомъи Низомий ва ҳинд шакаррези, балки ширин каломига мусаллам тутмоқ ва ул баҳраинга қатра нишон ва ул найирайнга заррасон ўзин еткурмак

Сўзки, жон гулшанида келди насим,
Бал кўнгул баҳри ичра дурри ятим.
Гар борин бир-бир айласам тафсил,
Зоҳир айлар калом аро татвил.
Улки, сўз нақдига мубассирдур,
Васфи ичра тили мукассирдур.
Насру назми ангаки мудракдур,
Назмнинг пояси бийикракдур.

Негаким, яхши сўзки зоҳир эрур,
Лафз тийдодидин жавахир эрур.
Худ жавахир нечаки дилкашроқ,
Назм силкига чексалар хушроқ.” [4.34]

Мазмуни: Сўз насридин назми хушроқ ва сўз парокандасидин унинг жами дилкашроқ эканини таъкидламоқ ва бу жамиятни Низомийнинг беш ганжи китобига ва Ҳинд шакар суҳанининг ширин сўзларига таслим бўлмоқ ва ул икки зар сочувчи ва ул икки нур таратувчиларга зарра монанд ўзни еткурмаклик жон гулшанида сўз кўнгил денгизидаги етим қолган дурдек эди, уни тасвирлашга тил ожиздир. Бу фаннинг билимдонлари уни иккига бўладилар. Ўз фикрини баён қилишни истаган ҳар бир киши наср ёки назмга мурожаат этади. Наср билан назмдан бохабар киши назмнинг мартабасини юксакроқ ҳисоблайди. Чунки яхши сўзларнинг юзага келишида лафз гавҳар ҳисобланади.

Бу ерда Навоий “сўз”ни таърифлашда “калом” - كلام араб лексемасидан фойдаланган. Адибнинг жозибали араб сўзларини ишлатиши натижасида қўллаган ушбу услуби фикрни кучайтириш, кириш қисмида чуқур мазмунга эга бўлган фалсафий фикрларини баён этиш учун хизмат қилган.

Маълумки ҳар бир ижодкор ўз методи орқали шеърӣ санъатларни қўллашда маҳорат ва эстетик лаёқатига таянади. Навоий бадий сўзнинг жамиятдаги киши онги ва психикасига ижобий ва салбий таъсир кучи, катта тарбиявий аҳамияти ва ролига ўз асарларининг бу масалага тегишли ҳар ўрнида жуда юқори баҳо беради. Навоий “Муҳокамат-ул-луғатайн”да ёзади: “Сўз дуррининг тафовути мундин доғи бағоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳаятроқдур. Андоқки, шарифидин ўлган баданга руҳи пок етар, касифидин ҳаётлиғ танга захри ҳалок хосияти зухур етар”.

Навоий “Хайратул аброр”да ўзининг бу фикрини янада яққол ифода этган эди:

“Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт”

Бироқ Навоий сўзнинг таъсир кучи унинг тарбиявий аҳамияти ва жамиятдаги ролига баъзи вақт, шу мисолларда кўрганимиз каби, муболаға билан ортиқча баҳо беради. Бу, унинг бир томондан шоирлиги, ўз фикрини образли ифода этишга интилиб, муболаға воситаларидан фойдаланишидан бўлса, иккинчи томондан унинг умумий дунёқарашининг идеалистик асосда эканлигидан келиб чиқади. Унинг фикрича, бадий асар ўқувчига маънавий озик

бериш уни юксак идеялар билан куроллантириш, эстетик завқ бағишлаши керак [5.79].

Ошиқ ўлхонки, кечмагай жондин,
Ишқ беҳад йирокдир ондин [4.107].

Лек ошиқ ишига не чора,
Ишқ этар ул элни бечора [4.105].

Ким: Бу янглиғ ғарибу ҳам ошиқ,
Ишқ таврида бу сифат содиқ [4.162]

Бу байтларда иштиқоқ санъатининг “ошиқ” - عاشق, “ишқ” عشق - сўзлари иштирок этган. Ҳар иккала сўз ўзаги “عشق” масдаридан олинган. Матннинг икки жиҳати – маъно ва ифодаланиш услуби муҳим аҳамият [3.145] касб этган ҳолда ушбу мисраларда шоир ўқувчи ҳис туйғуларини кўзғаш, воқеаларни таъсирлироқ қилиб тақдим қилиш учун бу бадий санъатга тез-тез мурожаат қилиб туради. Иштиқоқ санъати да, асосан ўзаги бир сўзлар турли грамматик шаклларда қўлланилиб, у кўпроқ шоир фикрини тасдиқлаш, ва кучайтиришга қаратилган бўлади [6.71].

Дарҳақиқат, матннинг чуқур мазмунга эга бўлишида янги ғоя, чуқур тафаккур муҳим аҳамиятга эга. Бир байтда бир сўзни такрорланиши эвазига дostonда тасбеъ санъати маҳорат билан ифода қилинган.

Шах чу кўргузди ишда бу ойин,
Тамаъ этти нигоридин таҳсин.

Анга чун хусндин бор эрди ғино,

Келди хусн иқтизоси истиғно: [4.108]

Бу шеърда биринчидан “таҳсин” – تحسين билан “хусн” - حسن сўзлари “хасуна” – غناء (чиройли бўлмоқ) ўзагидан, “ғино” – غنى билан “истиғно” - استغناء “ғания” – غنى (бой бўлмоқ) ўзагидан ясалган бўлиб, иштиқоқ санъатини ташкил этишган бўлса, иккинчидан “хусн” сўзининг иккинчи байтида икки марта такрорланиши тасбеъ санъати, учинчидан иккинчи байтдаги сўзлардаги “ғ” ва “н” товушларининг такрори тавзеъ санъатини юзага келтирган [6.72].

Гар қалам тутмадинг қўлунгга не ғам,

Азбар эттинг чу сирри лавҳу қалам [4.20].

Ушбу байтда “қалам” - قلم сўзи такрорланиб тасбеъ санъати ифодаланган, шу билан бирга поэтик омонимия юзага келган.

Бадий санъатлар ичида хожиб тез-тез ишлатилиб турилади, у радифга ўхшаб шоир фикрининг муҳимлигини таъкидлаш, тасдиқлаш учун хизмат қилади [6.73]. Алишер Навоий “Саъбаи сайёр” дostonида турли хил хожиблардан фойдаланган.

Раҳматингдин зиё тутуб ҳар шамъ,
Бир шабистонни ёрутуб ҳар шамъ.

Шамъ йўқ, етти лубати раққос,
Ҳафтанинг ҳар куни бирисига хос [4.8].

Қуйидаги мисрада “ҳар” сўзи хожиб вазифасини ўтаб, қофияланаётган “шамъ” – شمع – “шам” сўзидан олдин келяпти. Бир сўзнинг ўзи бир неча бор такрорлангани боис илтизом санъатини ҳам ташкил қиляпти.

Боғ очилмоқ алар муруридин,

Гул сочилмоқ алар юруридин [4.8].

Масалан, ушбу мисрада “алар” сўзи хожиб бўлиб, ундан кейин келган сўз “муруридин” – “مرور” - ўтиш, юриш маъносини англатган арабий сўз қофияланган.

Ҳам ибодат элига сен маъбуд,

Ҳам таашшук элига сен мақсуд

Ким, парастин қилур худосен анга

Ким, тааллук сотар балосен анга [4.14]

Бу мисраларда эса, “сен” хожиб сўзидан кейин икки қофиядош арабча лексема ишлатилган.

ХУЛОСА

Алишер Навоий ҳар бир бадий санъат шакллантирганда у хоҳ тавзеъ санъати бўладими, хоҳ тасбеъ ёки иштиқоқ санъати бўлади арабизмдан моҳирона усул билан фойдаланиб, гўзал байтларни битган. Шунингдек, дostonда арабизм қўллаш методи орқали шеърини санъатларни яратиш эстетик маҳоратини намоён қилиб, бадий санъатларни ифода қилишда синоним, антоним, омоним араб сўзларини шаклан ва мазмунан мос равишда ишлатиб, мукамал йўналиш бирламчи восита сифатида қўлланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алишер Навоий. Саъбаи сайёр. – Тошкент: Фағур Ғулом, 1991. – Б. 380.
2. Тожибоев М., Юсупова Ш., Бўриева Э. Адабий герменевтика ва мумтоз бадий тил. – Тошкент: Университет, 2013. – Б. 34.
3. Аллаярова С.Н.. Герменевтика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Exstremum-press, 2017. –Б. 145.
4. Алишер Навоий. Саъбаи сайёр. – Тошкент: Фан, 1992. Б-34.
5. Хайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танкидий қарашлари. – Тошкент: ЎзССРФА, 1959. –Б. 79.
6. Хасанов С. “Саъбаи сайёр”нинг бадийиётига доир. /Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари/ – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 71.